

## МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ШАХСНИНГ МАДАНИЙ ИДЕАЛЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ

Юсупова Хабиба Ирисколовна,  
ЎзДЖТУ, Педагогика ва психология кафедраси  
доценти в.б., PhD Телефон: (97)4207701

Ўқувчилар онгига миллатлараро мулоқот маданиятини сингдириш кўплаб омиллар ва шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда уларни ривожлантиришда миллатлараро муносабатлар алоҳида ўрин эгаллайди. Бу омиллар ва шарт-шароитлар мазкур мақсадга йўналтирилган педагогик жараённи жадаллаштириши ёки унинг боришига тўсқинлик қилиши мумкин.

Миллатлараро мулоқот шахс маданиятининг таркибий қисми сифатида намоён бўлиши керак. Шахс маданияти – муайян индивидга тааллуқли, унинг ақли ва қўли билан яратилган моддий ва маънавий бойликлар мажмуаси, унинг ҳаёти давомида инсонийлик ва маънавий-ахлоқий талабларга риоя қилиши билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатларни англатувчи тушунча. Шахс маданияти у яратган бунёдкорлик ғоялари, миллий маданият, маънавий-ахлоқий қадриятларга амал қилишида намоён бўлади. Шахс маданияти унинг маънавий тарбияланганлик даражасини белгилайдиган мезондир. Шахс маданияти белгилари қуидаги маънавий-ахлоқий сифатлар, инсоний муносабатлар, фазилатларни ўзлаштиргани билан ҳам ифодаланади: иймонли, виждонли, эътиқодли ва диёнатли, хушмуомала ва интизомли бўлиш, ўқиш ва ишга сабабсиз кечикмаслик, билим ва дунёқарашни бойитишга интилиш, ваъдага вафо қилиш, одамларга ёмонлик қилмаслик, яхшилик қилиш ва уни миннат қилмаслик, катталарга ҳурмат ва кичикларга иззатда бўлиш, кексалар, аёллар ва болаларга ҳурмат кўрсатиш, бошқаларга хайриҳоҳ, илиқ муносабатда бўлиш, камтарлик, бошқаларга лақаб қўймаслик, одамларнинг камчилиги устидан кулмаслик, масхара қилмаслик, ожизларни камситмаслик, атрофдаги одамларнинг меҳнат қилиши ва дам олишига халақит бермаслик, меҳмондўстлик, ўзининг ички ва ташки дунёсига эътибор бериш, нутқ маданиятига риоя қилиш, жамоатчилик мулкини асраб-авайлаш, жисмонан ва руҳан поклик ва ҳоказо. Шахс маданияти уни жамоа билан бирлаштиради, кўп дўст орттиришига имконият туғдиради. Шахс маданияти мукаммал бўлиши учун маънавий-ахлоқий фазилатларни бойитиб бориш, ўзини-ўзи тарбиялаш, назорат қилиш ва бошқара олиш, ўзига-ўзи танқидий ёндаша билиш, дунёқарашни кенгайтириб маданий савиясини юксалтириб бориши керак [2; 632-633-б.].

Маълумки, шахс маданияти кенг кўламли ҳодиса бўлиб, биз уни ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлаш билан боғлиқ йўналишларини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Шахс муайян жамият аъзоси, миллат вакили сифатида ўзига хос хусусиятларга эга. У таълим олиш, атрофдагилар билан мулоқотга киришиш ва муайян

фаолиятни амалга ошириш жараёнида ижтимоий муносабатларга киришади. Шахснинг шаклланиши босқичма-босқич амалга ошадиган изчил жараёнда амалга ошади. Шахс ўз тараққиётининг муайян босқичларида ўзига хос сенситивлик ва нафисликка эга бўлади. Шундай босқичлардан бири ўсмирлик даврига тўғри келади. Бу давр инсони шахсиятининг шаклланишида алоҳида ўрин эгаллайди. Ўсмирлик даври ўта мураккаб, зиддиятларга бой давр ҳисобланади. Чунки бу давр шахснинг фаол шаклланиш босқичи ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, бу жуда масъулиятли давр бўлиб, инсон ҳаётининг мазкур босқичида ахлоқийлик асослари, ижтимоий тартиб-қоидалар, ўзи, атрофдаги одамлар ва жамиятга нисбатан муносабат таркиб топади. Ушбу ёшда инсон характерининг алоҳида жиҳатлари ва шахслараро муносабатлар барқорорлашади. Мазкур даврнинг асосий йўналтирувчи жиҳати инсоннинг шахсий такомиллашишига бўлган интилишида намоён бўлади. Бу унинг ўз-ўзини билиши, намоён қилиши ва шахслигини тасдиқлашида акс этади. Бу даврда ўқувчилар билиш фаолиятининг ривожланиши катталар бажарган барча ақлий фаолият усулларини амалга оширишга тайёр бўлади. Бу даврда билиш жараёнлари имкон қадар такомиллашган ва мослашувчан бўлади. Натижада ўқувчиларнинг атрофдаги одамларга муносабати ўзгаради. Уларда мулоқотнинг янги усуллари пайдо бўлади, ўз интеллектига бўлган талаблари ортади. Улар энди мантиқий фикрлай бошлайдилар, воқеа-ходисаларни назарий жиҳатдан шарҳлайдилар ва ўз фаолиятларини таҳлил қиласидар. Худди шу даврда уларни ахлоқий, маънавий, сиёсий мавзулар устида фикрлаш ва ўйлашга ундаш лозим. Улар илгари сурилган фаразларни таҳлил қилиб, хулосалар чиқаришга одатланишлари лозим. Уларнинг ўзлари, атрофдагилар, жамиятнинг барча аъзолари ҳақидаги билимларининг чуқурлашиши натижасида ўз-ўзларини англашлари ортади. Бунинг натижасида ўқувчилар фаолиятнинг асосий турларига нисбатан мойиллик сезадилар. Ўқувчилар ўқиш, ўрганиш, меҳнат қилиш, мулоқот ўрнатиш натижасида ўз фаолиятларининг мазмуни, мақсад ва вазифалари ҳақида ўйлашга муваффақ бўладилар. Бу даврда уларда ўз-ўзларини назорат қилиш жадаллашади. Бунинг натижасида уларда ўз-ўзларини мустақил бошқариш ва фаолиятларини режалаштиришга интилиш ортади. Мактабда ўқув фанларининг сони ортиши баробарида ўсмир ёшдаги ўқувчилар мантиқий, иродавий ва бевосита хотирадан фойдаланадилар. Бу эслаш, хотирлаш жараёни бўлиб, уларнинг тафаккур қилишларига асос бўлади. Ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг тафаккури хотирага асосланган фикрлаш тарзи сифатида шаклланади. Ўз ҳаётий мақсадидан келиб чиқкан ҳолда, олдига қўйган маррага эришиш ўсмир ёшдаги ўқувчиларда иродавий сифатларининг шаклланиши билан боғлиқ. Чунончи, бунда ўз-ўзини бошқариш, қувватларини мувофиқлаштириш, фаолиятини бошқариш мақсадида лаёқати доирасида катта миқдордаги юкламага бардош бериш, шу асосда ўз фаолиятида юқори натижаларга эришишга интилади. Бундай ривожланиш жараёнида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда

қадриятлар тизими таркиб топади. Бу эса, ўз навбатида, ўсмир ёшдаги ўқувчи фаолияти мазмунини аниқлаш имконини беради. Бу ўқувчиларнинг мулоқоти, атрофдагиларга бўлган танловга асосланган муносабати, уларга берган баҳоси ва ўз-ўзини баҳолашида намоён бўлади. Худди мана шу даврда шахснинг маданий тенглиги шакллана бошлайди. Шу тариқа ўқувчиларда ўзининг маданий мансублиги ва бошқа маданиятларга нисбатан ижобий муносабат тажрибаси таркиб топади. Айнан мана шу ўсмирилик ёшида ўқувчиларда ижтимоий ролларни англаш, микросоциум доирасида мулоқотга киришишга бўлган қизиқишлир, ўзаро бир-бирини тан олишга бўлган эҳтиёж ва атрофдагиларни тушуниш бошқа маданиятлар билан тўқнашишни тақозо қиласди. Мана шу даврдан бошлаб, ўсмир ёшдаги ўқувчиларда уларнинг келжақдаги ҳаёти учун зарур бўлган ижтимоий хулқ-атвор кўникмалари ҳосил бўлади. Шу билан бир қаторда, ижобий муносабатга киришиш лаёқати, ижтимоий чекланиш, атрофдагиларга нисбатан ижобий ёки салбий муносабатлар намоён бўлади. Бу даврнинг муҳим белгиси ўқувчиларнинг шахсий мавқелари ва нуқтаи назарларига эга бўлишлари дадир. Бунинг натижасида уларда ўзларига нисбатан юксак даражадаги қизиқищ, ўз ички оламларини англашга интилиш, назарий таҳлил кўникмаларининг ривожланиши кузатилади.

Юқорида баён қилинган фикрлардан келиб чиқсан ҳолда айтиш мумкинки, ўсмирилик даври коммуникатив кўникмаларнинг шаклланиши учун ниҳоятда қулай бўлиб, ўқувчиларда юқори даражадаги шахслар ва миллатлараро муносабатларнинг таркиб топишига имконият яратади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 май куни ўтказилган чет тилларини ўқитишини такомиллаштиришга бағишиланган видеоселектор йиғилиши. <https://xs.uz/uzkr/post/>.
2. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. –Т.:Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. – 760 б.
3. Мусурмонова О. Юқори синф ўқувчилари маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари: Пед.фан.док. ...дисс. – Т., 1993. – 364 б.
4. Юсупова Х.И. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини миллатлараро мулоқотга тайёрлаш йўллари // Методик қўлланма. -Тошкент: “Sharq” нашриёти-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2012. – 88 б.